БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 30 (16.720). | 5 февраль 1977 йил, шанба | Баҳоси 2 тийин.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ЮКСАК СУРЪАТ ВА СИФАТ БЎЛСИН

Беш йилликнинг биринчи йилида Ўзбекистон қурувчилари сезиларли муваффақиятларга эришдилар. Капитал маблағ ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ва пудрат ишлари плани ошириб бажарилди. 4,3 миллиард сўмлик, яъни 1975 йилдагидан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилди, сал кам 5 миллион квадрат метр уй-жой, юз минг гектардан ортиқ янги ерлар фойдаланиш учун топширилди. Ишлаб турган саноат корхоналарини реконструкция қилиш ва янги корхоналар қуриш давом эттирилди, кўпгина йирик объектлар ишга туширилди. Шу кунларда қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланаётган коллективларда социалистик мусобақа кенгайиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори мусобақа қатнашчиларини меҳнатда янги зафарларга руҳлантирмоқда.

Республика партия-хўжалик активининг 4 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши бутун тармоқ ишини янада яхшилаш йўлларини муҳокама қилди.

Йиғилишга область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг, область, шаҳар ва район ижроия комитетлари раисларининг капитал қурилиш масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, қурилиш ва монтаж ташкилотларининг, саноат корхоналарининг раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, халқ контроли органларининг ходимлари, қурилиш илғорлари ва новаторлари таклиф қилинди.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон ССР қурилиш ва монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари коллективларининг вазифалари тўғрисида ҳамда уларнинг 1977 йилги ва ўнинчи беш йилликдаги социалистик мажбуриятлар ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин доклад қилди.

Доклад юзасидан бошланган музокараларда: Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. А. Омеров, «Қиркиизсовхозстрой» трестининг бошқарувчиси А. К. Каримбоев, Жиззахдаги 27-қурилиш трести пардозловчилар бригадири Г. М. Манаева, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, республика кишлоқ қурилиши министри Ҳ. М. Носиров, Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев, Бухородаги 163-қурилиш трести гишт терувчилар бригадири Х. Отаев, Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри И. К. Бородавко, «Андижанирстрой» трести экскаватор машинистлари бригадири Ё. Марасулов, Самарқанд область партия комитетининг секретари И. К. Юсупов, «Узколхозстрой» бирлашмасининг раиси И. А. Ашуров, Чирчиқдаги 160-қурилиш трести партия комитетининг секретари Н. А. Тонких, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Ҳ. Жўрабеков, Фарғонадаги 9-қурилиш трестининг бошқарувчиси К. Э. Эгамбердиев, Қашқадарё область партия комитетининг секретари Х. Тошев сўзга чиқдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар шуни таъкидладиларки, капитал қурилиш соҳасидаги бутун ишни янада такомиллаштириш учун план топшириқларинигина эмас, юксак социалистик мажбуриятларни ҳам бажариш учун ишлаб чиқаришнинг мавжуд резервларини ишга солиш зарур. Қурилиш коллективларида социалистик мусобақани авж олдириш, планлаштириш ва таъминотни яхшилаш, битмай колган ишлар ҳажмини камайтириш, қурилиш сифатини ошириш, бригада пудрати ва «орловликларнинг узлуксиз методи» каби меҳнатни ташкил қилишнинг илғор формаларини жорий этиш бунга эришишга ёрдам беради. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини меҳнатда шонли ишлар билан кутиб олиш, ўнинчи беш йиллик программасини муддатидан илгари тугаллаш — республика қурувчиларининг юксак бурчидир.

Йиғилишда Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Актив йиғилиши қабул қилган қарорда қурилиш-монтаж, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари коллективларининг 1977 йилги ва ўнинчи беш йилликдаги социалистик мажбуриятлари маъқулланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Л. И. Греков, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, А. А. Хўжаев, Н. М. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, С. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, СССР Қурилиш министрининг ўринбосари А. П. Парфенков иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

БАРЧА совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини улуғ Ватанимиз ва жонажон Ленин партияси билан чексиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлиб-тошган ҳолда кутиб олдилар. Октябрь ғалабаси мамлакатимиз халқлари тақдирида тарихий бурилиш ясади. Халқ хўжалигимиз тарихан шу қисқа муддат ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Совет давлати барпо этилганидан буён ўтган олтмиш йилнинг салкам учдан бир қисми халқимизга қарши бошланган уруш йиллари ва халқ хўжалигини тиклаш даврига тўғри келганлигига қарамай, мамлакатнинг миллий даромади ўтган йили революциядан илгариги даражага нисбатан 65 баравар кўпайди. Ҳозирги пайтда саноатнинг икки ярим кун мобайнида ишлаб чиқараётган маҳсулоти 1913 йилда ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотига баравардир.

Дарҳақиқат, коммунизм асри деб ном олган йигирманчи асрда биз эришаётган ўсиш, юксалиш суръатлари беқиёсдир. Фақат социализмгина халқларга тинчлик ва социал тараққиёт келтиришини Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тарихий тажрибаси яққол кўрсатиб турибди.

Совет жамиятимизнинг ҳозирги ривожи партия XXV съезди илҳомбахш ғоялари тобора кучайиб бораётган бир даврда юксалмоқда. КПСС XXV съезди белгилаб берган партиянинг сиёсий йўли Ватанимизнинг коммунизм йўлидан янада олға боришини тўла-тўкис таъминлайди. Бу йўл самарадорлик ва сифат ғоят кенг кўламлар ва улкан имкониятлар беш йиллиги бўлган ўнинчи беш йиллигимиз планларида ўзининг конкрет ифодасини топган. Съезднинг революцион ижодий руҳи, жўшқин ғоялари партиямиз ва халқимизнинг кундалик ишларида мужассам бўлмоқда.

Мана шундай умумхалқ кўтаринкилиги вазиятида социалистик мусобақа тобора кенг кулоч ёзмоқда, мусобақа жараёнида янгидан-янги шонли меҳнат ташаббуслари туғилмоқда. Яқингинада бир беш йилликда икки беш йиллик миқдорида планни бажариш ташаббуси — «Ўнлар ташаббуси» номи билан аталган ватанпарварлик ҳаракати туғилиб, бутун республикамизда кенг кулоч ёзган эди. Шундан кейин Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш юзасидан саноат ва транспорт ишлаб чиқариш илғорларидан ўн тўрт кишининг ташаббуси юзага келди. Куни кеча Узбекистон Компартияси Марказий Комитети республика қурилиш ва монтаж ташкилотлари илғорларининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш юзасидан бошлаган ташаббусини маъқуллади.

Ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажариш учун мусобақалашаётган «Андижанирстрой» трести экскаватор машинистлари бригадири Ёқубжон Марасулов, «Узбекшахтострой» трести комплекс бригадаси бошлиғи Дмитрий Андреевич Зазулин, «Қаралпақирсовхозстрой» бошқармаси бригадири Моксетбой Туреев, «Главташкентстрой» 159-трестининг бригадири Тўлқин Самиғов, Бухородаги 163-трест бригадири Исмат Истамов, Жиззахдаги 27-трест бригадири Галина Михайловна Манаева, «Каршистрой» комсомол-ёшлар бригадири Рўзи Мустафоқулов, наманганлик бинокорлар бригадири Жўрабой Ҳасанов, самарқандлик бригада бошлиғи Ёқуб Мамутов, Сурхондарёдаги 11-трестнинг хўжалик ҳисобидаги бригадаси бошлиғи Василий Георгиевич Морарь, «Узбекгидроэнергострой» трести бригадири Реимбой Сабуров, фарғоналик қурувчилар бригадири Раҳмонали Ҳайдаров, Тошкент метросозлари бригадири Иван Степанович Лисий, хоразмлик қурувчилар сардори Рўзим Полвонов, «Узэлектромонтаж» трести монтажчилар бригадири Абдураҳмон Ғафуров ўртоқлар бултур икки йиллик планни бажариб қўйиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача уч ярим-тўрт йиллик планларни бажарамиз деган қимматли ташаббус билан чиқдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу ҳақда қабул қилган қарорида фидокорона меҳнат, резерварни излаш, илғор тажрибалардан фойдаланиш — улар эришаётган муваффақиятларнинг гарови эканлиги таъкидланди. Улар, ўн тўртлар ташаббуси каби ўн беш бунёдкор бинокор бошлаб берган янги ватанпарварлик ҳаракати ҳам XXV съезд белгилаб берган социал иқтисодий вазифаларни муваффақиятли амалга оширишни, ўнинчи беш йилликни «Яхшироқ ишлайлик, самарадорлик ва сифатни оширайлик!» шиори остида тўла ва ошириб бажаришни кўзда тутади. Уларнинг куч-ғайрати меҳнат унумдорлигини оширишга, материал, молия ресурслари, хом ашё, ёқилғи ва энергияни тежаш режимини кучайтиришга, олинган мажбуриятлар ва муқобил планларни муваффақиятли бажаришга, Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилгандир.

Ўн беш ташаббускор қурувчи ҳар бир иш жойида, ҳар бир қурилиш майдонида, ҳар бир бригадада ишлаб чиқариш резервларини ҳаракатга келтириш учун қайғуриб, меҳнат унумдорлигини тағин ҳам ошириш имконини берадиган резервлар борлигини амалда исботлаётган. Ташаббускорлардан бири — «Наманганоблколхозстрой» трести комплекс бригадасининг бошлиғи Жўрабой Ҳасановнинг қалб сўзларига эътибор беринг-а:

— Бригадамизда ўн бир киши бор, — дейди у. — Революциямизнинг 60 йиллигини муносиб кутиб оламиз. Икки йиллик планни улуғ айёмгача бажариб бўламиз. Бунинг учун ҳар бир ишчининг йилига 16,7 минг сўмлик иш бажаришига эришамиз. Муваффақиятга олиб борадиган йўл битта—у ҳам бўлса, маҳоратни оширишдир. Ҳар биримиз камида тўртинчи, бешинчи разрядли бўлишга эришамиз. Бригадамизнинг энг тажрибали ишчилари ёшларга мураббийлик қилиб, беш нафар янги қурувчини тайёрлайди. Ҳамма ишларни фақат «яхши» ва «аъло» баҳолар билан бажарамиз.

Зарбдор меҳнати билан Ватанимиз куч-қудратини ошираётган ўн беш донгдор бинокорнинг ташаббусини ҳамма қурилиш майдонларидаги минг-минглаб меҳнатчиларнинг мулкига айлантириш, ҳамма жойда ана шундай меҳнат жасорати кўрсатилишига эришиш шу куннинг жанговар шиоридир.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, қурилиш ва монтаж идораларининг бошлиғчи партия ташкилотлари бу қимматли ташаббусни ҳамма коллективларда қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйишлари, иш сифати ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган ҳар бир янги, илғор ҳаракат кенг кулоч ёзишига бош-қош бўлишлари зарур.

Умумхалқ мусобақаси шундай қудратли кучки, у кенг меҳнаткашлар оммасининг ғайрат ва ташаббусини мисли-сиз жўш урдиради. унинг ҳар бир қатнашчисида мамлакатнинг хўжайини туйғусини, ишга, ишлаб чиқаришдаги аҳволга чуқур масъулият ҳисси билан қараш туйғусини тарбиялайди. Мусобақанинг ошкоралиги, унинг қатнашчилари эришган энг юқори натижа яна ва яна такрорланишига эришилиши, энг юксак натижа кўрсатаётганлар ҳам, ўртача натижаларга эришаётганлар ва қолоқлар ҳам кўрсатилиши, бунинг сабаблари очиб берилиши ва йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни тугатиш тадбирлари кўрилиши ғоят муҳимдир.

Коммунистик бунёдкорликнинг ҳамма соҳаларида юксак марраларга чиқиб олган эканмиз, юбилей йили ва умуман беш йилликни муваффақиятли бажариш учун курашда янгидан-янги зафарлар қучаверайлик. Меҳнат аҳли ижодининг сарчашмалари бўлган янги ватанпарварлик ташаббуслари кенг кулоч ёзаверсин!

ЎН БЕШЛАР ҲАРАКАТИГА ҚЎШИЛИБ

РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛАМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленумидаги нутқида биз, қурувчиларга мурожаат қилиб шундай деган эди: «Ватан сизларнинг уюшқоқ меҳнат маҳоратингизни кўрсатишингизга ва план топшириқларини шараф билан бажаришингизга умидвордир. Ўртоқлар, бутун беш йилликнинг тақдири сизларнинг қандай ишлашингизга кўп жиҳатдан боғлиқдир».

Республика қурилиш ва монтаж ташкилотлари илғорларининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш юзасидан қеча матбуотда эълон қилинган мажбуриятлари бошқармамиз коллективини янги марраларга даъват этмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили бошлариданоқ кунлик топшириқларини 120-140 процентга етказиб адо этаётган Набиев, Саватникова, Язиков ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар коллективлари бошқармамизда биринчилар қатори ўн бешлар ҳаракатига қўшилдилар. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туришга ва йиллик планга қўшимча бир неча минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришга аҳд қилдилар. Бунга ҳар бир иш жойида, ҳар бир қурилиш майдонида мавжуд ишлаб чиқариш резервларини ҳаракатга келтириш туфайли эришамиз.

С. УМИДОВ,
Узбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Бухородаги ремонт-қурилиш бошқармаси 5-участка ишчиси.

ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

Бригадамиз аъзолари республика қурилиш ва монтаж ташкилотлари илғорларининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш юзасидан бошлаган ташаббусларини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Коллективимиз ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида катта муваффақиятларга эришган эди. Халқ хўжалиги топшириғини 4 декабрдаёқ адо этиб, йил охиригача планга қўшимча 24 минг сўмлик қурилиш ишларини бажардик.

Бу йил Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини катта байрам қиламиз. Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг ажойиб анъаналаридан биридир. Бригадамиз бинокорлари ўн беш илғор қурувчининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, Октябрь байрамини муносиб кутиб олишга азми-қарор қилдилар ва зиммасига янги ошириллган социалистик мажбуриятлар олди.

Маррага етиш учун шу кунларда мусобақани тобора авж олдирмоқдамиз.

Бригадамиз аъзолари зиммаларига олган мажбуриятларни шараф билан бажарадилар, меҳнат муваффақиятлари билан халқимизни, партия ва Ватанни қувонтирадилар.

М. ИСМАТОВ,
Наманган қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи.

Марғилондаги «Атлас» фирмасининг донгдор тўқувчиси Узбекистон ССР Олий Советининг депутати, КПСС XXV съезд делегати Абдуббаннол Умаров ўнинчи беш йиллиннинг биринчи йилини катта муваффақият билан якунлаган эди. У шу кунларда Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдирмоқда. Суратда: бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббускорларидан бири А. Умаров.

Г. Бойко фотоси (ЎзТАГ).

Партия даъватларига амалий жавобимиз

МАРРА—60 ЦЕНТНЕР

Жонажон партиямиз мамлакат қишлоқ хўжалигини меҳнаткашларини ўнинчи беш йиллиннинг иккинчи йилида янги юксак марраларни эгаллашга даъват этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Мактуби пахтакорлар қалбига жўшқин илҳом бағишлади, уларнинг меҳнат активлигини ошириб юборди.

Мактубда деҳқончиликнинг тараққиёт йўли, мўл ҳосил етиштириш омиллари аниқ кўрсатиб берилган. Бу йўл — комплекс механизациями, илғор агротехникани жорий этиш йўлидир. Деҳқончилик маданиятини ошириш мўл ҳосил етиштириш гарови эканлиги мактубда алоҳида таъкидланган.

Биз партиямиз чақириғига амалий иш билан жавоб бериш, пахта етиштиришни янада кўпайтириш режаларини белгилаб, мўл ҳосил учун курашни авж олдирмоқдамиз. Колхозимиз аъзолари пахтанинг ялпи ҳосилини бу йил 6400 тоннага, ҳар гектар ерда ҳосилдорликни бултургидан 40,5 центнердан 45 центнерга етказишга аҳд қилдилар. Бу режанинг рўёбга чиқишига шубҳа йўқ.

Илғорлар тажрибаси пахта ҳосилдорлигини кескин ошириш мумкинлигини амалда исботлаб берди. Колхозимизда юқори ҳосилли бригадалар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Рўзимат Отамуродов бошчилик қилаётган бригадалар ўтган йили ҳар гектар ердан 50 центнердан дурдона йиғиб олдилар, уларнинг бу йилги марралари — 60 центнер!

Бригадамиз тўғрисида шуни айтиш мумкинки, биз деҳқончилик маданиятини юксалтириш, прогрессив усулларни кенг қўлланиш туфайли пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштириб келмоқдамиз. Об-ҳаво ноқулай келган 1976 йилда ҳам рекорд кўрсаткични сақлаб қолишга муваффақ бўлдик: 68 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 58 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Юбилей йили, яъни бу йил «Олтмиш йиллиққа — олтмиш центнер» деган шиор остида меҳнат қилмоқдамиз.

60 центнер! Бу айтишга осон ва ёқимли. Аммо бу юксак довон меҳнатда жасорат кўрсатиш, фан ва агротехника талабларига амал қилиш, тадбиркорлик, маҳорат билан ишлаш туфайли эгалланади. Бундай чўққига кўтарилиш учун мақсад йўлида юз берган ҳар қандай қийинчиликларни, об-ҳаво инжиқлиги-ю хилма-хил табиий офатларни матонат билан енгиш, йил бўйи тер тўкиб меҳнат қилиш талаб этилади.

Иморат пойдевордан бошланганидек, юқори ҳосил учун замин яратиш кузги-қишки ишлардан бошланади. Кўкламги экишга пухта ҳозирлик кўриш ва экишни ўз вақтида юқори сифатли ўтказиш — мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шартидир.

Биз ҳосил тўла йиғиб олиниши билан далаларни рўзапоядан тозалаб, карталарни текислаш ва йириқлаштиришга киришдик. Чунки, механизацияга кенг йўл очиб бериш ва деҳқончилик маданиятини ошириш учун карталарни йириклаштириш зарур. Бригадамизда ўтган йили ялпи ҳосилнинг 80 процента машинада терилган бўлса, бу йил йиғим-терими тўла механизациялашни кўзда тутмоқдамиз. Баҳорда сув танқис бўлиши эҳтимолини ҳисобга олиб, асосий майдонларнинг шўрини кузда ва қишда ювиб қўйдик.

КПСС Марказий Комитети Мактубда қайд қилинганидек, органик ўғит тупроқ ҳосилдорлигини оширишнинг катта резерви ҳисобланади. Бригадамизда 1500 тоннадан кўпроқ маҳаллий ўғит тўплаб, далага чиқардик. Ҳар гектар ерга 30 тонна ҳосилда органик ўғит жамгариш ва «номбор» қилиб қўйиш ниятидамиз.

Техникани ўз вақтида ва пухта ишлаб қилиб қўйиш, механизатор кадрлар тайёрлаш диққат марказимизда турибди. «Узсельхозтехника»нинг район бирлашмаси ва колхоз устахонасида техника ремонти жадал олиб борилмоқда, механизаторлар ўқитилаётир. Колхозимиз механизаторлари техникани ремонт қилишда актив қатнашмоқдалар

Механизациянинг шарофати тўғрисида баъзи рақамларни келтирмоқчиман. Пахтани машинада териш колхоз бўйича 40 минг сўмни тежаш, бир центнер пахтанинг таннархини 1975 йилдагига нисбатан 2 сўм 78 тийинга арзонлаштириш имконини берди. Механизаторларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ошди. Мавсумда 300 тоннага яқин пахта терган Озод Қутлимуродовнинг ойлик иш ҳақи 252 сўмни, Султон Маткурбонов, Яраш Жумабоевларнинг ойлик иш ҳақи 180-200 сўмни ташкил этди. Бу факт механизация мўл ва арзон пахта етиштириш, даромадни кўпайтириш омили эканлигини кўрсатади.

Меҳнатнинг таги роҳат деб бежиз айтилмаган. Колхозимизнинг умумий даромади ўтган йили 3 миллион 300 минг сўмга етди. Шу жумладан, пахтачиликдан 2 миллион 800 минг сўмлан кўпроқ даромад олинди. Ҳар бир колхозчининг ўртача ойлик иш ҳаки 110 сўмдан тўғри келди. Йиллик даромади 1800-2000 сўмга етган колхозчилар ва механизаторлар ҳам бор. Ўтган йили тўртта типовой дала шийпони, 50 ўринли болалар боғчаси, уй-жойлар, чорвачилик бинолари қурилди. Моддий ва маданий фаровонлик тобора ошаётганлиги, партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги колхозчиларимизни янги меҳнат зафарларига илҳомлантиради

Биз бу йилги улкан режаларимизни рўёбга чиқариш учун куч-ғайратимизни аямаймиз. Бригадамиз олтмиш центнерчилар мусобақасининг олдинги сафида боради.

Матёқуб МАТНАЗАРОВ,
Ҳазорасп районидаги Карл Маркс номли колхоз бригада бошлиғи. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз меҳнаткашлари қатори Ромитан райони колхозчилари ва совхоз ишчиларини ҳам юксак меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди. Жойларда ана шу қутлуғ санага бағишланган тантанали митинглар бўлиб ўтмоқда. Куни кеча районнинг Наримонов номли колхозида меҳнаткашларнинг кўп минг кишилик митинги бўлди.

Митингни колхоз партия комитети секретарининг ўринбосари ўртоқ Авез Остонов очди. Колхоз раиси Раҳмонқул Ҳасанов эса Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш тўғрисида хўжалик меҳнаткашлари олдида турган вазифалар тўғрисида гапириб берди.

Колхоз меҳнатсеварлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини катта муваффақиятлар билан якунладилар. Давлатга пахта сотиш бўйича зиммага олинган юксак мажбурият областда биринчилар қатори ошириб бажарилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 33 центнерга етди. Шунингдек бошқа кишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш топшириклари ҳам ошириб адо этилди. Колхоз пландаги 2 миллион 390 минг сўм ўрнига 3 миллион сўмдан зиёд соф даромад олди.

Колхоз меҳнаткашлари ички резерв ва имкониятларни чамалаб кўриб, шонли юбилейни муносиб кутиб олиш учун ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият кабул килдилар. Самарадорлик ва сифат беш йиллигининг иккинчи йилида колхоз деҳқонлари давлатга пландаги 4376 тонна ўрнига 5100 тонна пахта сотиш, ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказиш, ялпи ҳосилнинг 80 процентини машиналар ёрдамида саранжомлаб олишга қарор килдилар. Шунингдек, илгари белгиланган 611 тонна ўрнига 790 тонна дон ва бошқа кўплаб деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади.

Митингда колхознинг бригада бошлиғи, икки марта Ленин ордени кавалери Стам Турсунов сўз олиб ҳосилдорликни 60 центнерга етказишга қатъий сўз берди. Бу ташаббусни ўтган йили гектаридан 45—50 центнердан хирмон кўтарган бригадаларнинг бошликлари Зиёда Хакимова, Аслон Ҳожиев, Мукаддам Муродова, Турсун Шоқулов ўртоклар ҳам қўллаб-қувватладилар.

Шунингдек митингда пешқадам сут соғувчи Малика Кароматова, донгдор пиллакор Гулбодом Сатторова, «Ҳурмат белгиси» орденли механизатор Жўра Шоқулов ўртоклар ҳам сўзга чиқиб ўз зиммаларига қўшимча мажбуриятлар олишди. Митинг охирида Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллиги шарафига зарбдор меҳнат вахтаси эълон килинди.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Қ. МУРТАЗОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ МЕҲНАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ **Қаюм Муртазоев** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Меҳнат давлат комитетининг раиси қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Х. ПЎЛАТОВА.

Тошкент шаҳри
1977 йил, 4 февраль.

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

«Хазорбог» совхозида экиш-техникаси Сурхондарё областида биринчи бўлиб ремонт қилиб қўйилди. 43 та ҳайдов ва 270 тадан ортиқ чопиқ трактори шай турибди.

Сариосиё районидаги «Коммунизм», Термиз районидаги Жданов номли, Денов районидаги Охунбобоев номли колхозлар, қўриқ ердаги «Яигнобод» совхозида қишлоқ хўжалиги машиналари ва қуроллари кўкламга беками-кўст тайёрлаб қўйилди. Область хўжаликларида экиш-тикиш техникасининг ҳаммасини февраль ойининг ўрталаригача шай қилиб қўйишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Араб Социалистик уйғониш партияси Маҳаллий раҳбарлиги Бош секретарининг ўринбосари, Ироқ Республикаси Революцион қўмондонлик Кенгаши Раисининг ўринбосари Саддам Ҳусайн 3 февраль куни Москвадан жўнаб кетди. У КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг таклифга биноан дўстона расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турди.

Аэродромда меҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Ироқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Муртода Саид Абдил Боқий бор эди.

(ТАСС).

УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Узбекистон ССР Министрлар Совети ўртоқ Ғаффор Ғиёсовни Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ёғоч тайёрлаш ва ёғочсозлик бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлади.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЛКАН МАРРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, ИЛМИЙ ВА ЛОЙИҲАЛАШ-КОНСТРУКТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ, МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, САНОАТ БИРЛАШМАЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам сиёсий активлик ва меҳнат гайрати ғоят юксалган бир вазиятда 1977 йил — Улуғ Октябрнинг олтмиш йиллиги нишонланадиган йилга қадам қўйдилар. КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленумининг қарорлари, Улуғ Октябрь юбилейига тайёргарлик меҳнаткашлар ижодий активлигини янада ривожлантирган қудратли омил бўлди.

Республика саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш, реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш, мавжуд резервлардан, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, уничи беш йилликни комил ишонч билан бажаришга киришдилар, социалистик мажбуриятларда кўзда тутилганидек, маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан 1976 йил планини муддатидан илгари, 20 декабрда адо этдилар. Топшириққа қўшимча равишда 421 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиниди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми планда мўлжалланган 3,2 процент ўрнига 5,4 процент ўсди. Меҳнат унумдорлиги бир йил ичида 3,5 процент кўпайди.

Маҳсулотнинг сифати анча яхшиланди. Қарийб 800 буюм давлат Сифат белгисини олишга сазовор бўлди.

700 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Бир қанча йирик ишлаб чиқариш ва корхоналар ишлаб турган корхоналар қаторига ўтди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Улар мураккаб шароитларда пахтадан рекорд ҳосил етиштирдилар ва социалистик мажбуриятларни анча ортиғи билан бажариб, давлатга 5 миллион 338 минг тонна ана шу қимматли хом ашёни сотдилар. Ҳар гектардан ўрта ҳисобда 30 центнердан пахта олинди. Гвардиячи-механизаторлар зўр миннатдорчилик ва ташаккурга муносиб иш қилдилар. Улар ўзларининг «зангори кемалари» бункеридан 2 миллион 900 минг тонна пахта тўкдилар.

Барча транспорт ва алоқа тармоқлари корхоналарининг коллективлари давлат планини муваффақиятли бажардилар. Пландан ташқари 8 миллион тоннадан зиёд халқ хўжалик моллари ташиб олинди.

Автомат, шаҳарлараро, шаҳар ва қишлоқ телефон алоқаси, телевидение ва радио эшиттириш воситалари тобора ривожланди.

Ўзбекистон саноатининг ходимлари эришилган муваффақиятлардан фахрланиб, зўр сиёсий активлик ва меҳнат шижоати билан янги 1977 йил — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг олтмиш йиллиги нишонланадиган йилни бошлаб юборидилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунистик қурилиш программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун интилиб, КПСС XXV съездининг қарорларига, партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида илгари сурган қоидалар ва вазифаларга, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, эришилган муваффақиятлари мустаҳкамлашга, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга аҳд қилдилар ва ўзларининг бутун куч-ғайратларини иқтисодий ва сифат жиҳатидан энг юксак натижаларга эришиш, 1977 йил планини ва умуман беш йиллик планини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилмоқдалар.

Ўзбекистондаги саноат, транспорт ва алоқа ходимлари 1977 йилда ва ўнинчи беш йилликда қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар:

САНОАТ

Асосий эътибор реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга, меҳнат унумдорлигини ўстиришга, маҳсулот сифатини оширишга, машина-ускуналардан энг самарали фойдаланишга қаратилади.

Ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотнинг энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш беш йиллик планини Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача, меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан беш йиллик топшириқ 1980 йил 1 декабргача бажарилади. Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш 6 баравар кўпайтирилади, фондларнинг бердиган самараси оширилади. Машинасозликда машина-ускуналарнинг смена бўйича ишлаш коэффициенти 20 процент кўпайтирилади.

Маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш йиллик плани 22 декабрда бажарилади. Ишлаб чиқариш ҳажмини 1976 йилдагига нисбатан план топширигида белгиланган 4,5 процент ўрнига 7,7 процент ўстириш таъминланади. Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан планда белгиланган топшириқ бир ярим баравар ортиғи билан бажарилади. Маҳсулот ўсишининг 75 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Саноат ходимлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда пландан ташқари 400 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қиладилар. Юбилейгача қўшимча равишда 230 миллион куб метр газ, 135 минг тонна минерал ўғит, 200 та трактор, 8 минг тонна пўлат ва прокат, 24 минг тонна пахта толаси, 410 минг погон метр шойи газлама, 5,2 миллион сўмлик кийим-кечак, 240 минг жуфт чарм пойафзал, 11 минг тонна ўсимлик мойи, 15 минг тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Йил охиригача пландан ташқари 200 миллион киловатт соат электроэнергия, 105 минг тонна кўмир, 20 минг тонна цемент, 1,5 миллион сўмлик электротехника саноати буюмлари, 5 минг погон метр ип газлама ва 346 минг квадрат метр ўраш газламаси, 8,5 минг тонна макарон ва кондитер маҳсулотлари, 20 миллион дона шартли банка консерва ишлаб чиқарилади.

Янги техника ва янги технологияни жорий этиш соҳасидаги тадбирлар амалга оширилади. 400 та механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган поток линия жорий этилади. Машина-ускуналарнинг иш сменаси коэффициенти ўтган йилдагига нисбатан 5 процент оширилади ва 1,4 га етказилади. Пландан ташқари 30 миллион сўм фойда олинади.

Бошқаришни тобора такомиллаштириш, кичик шаҳарларда ва қишлоқ жойларда саноат корхоналари бирлашмаларини, филиалларини вужудга келтириш, шунингдек бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларини кенг жорий қилиш **соҳасидаги ишлар давом эттирилади.**

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техникавий даражаси, сифати, пишиқлиги ва ундан узоқ вақт фойдаланиш муддатлари оширилади. Львов областидаги илғор корхоналарнинг маҳсулот сифатини назорат қилиш комплекс системасини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш соҳасидаги тажрибасини ишлаб чиқаришда кенг қўлланиш асосида олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғи 4,5 процентдан 7,9 процентгача, беш йилликнинг охирига бориб эса бундай маҳсулот ишлаб чиқариш 20 процентга етказилади.

380 буюм давлат Сифат белгисини олиш учун тайёрланади ва аттестация қилинади. Машиналар, приборларнинг 780 та янги хили, кийим-кечак, пойафзалнинг 1300 модели, газлама турлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, маданий-маиший хизмат кўрсатадиган моллар ўзлаштирилади ва ишлаб чиқилади.

Харидоргир молларга бўлган эҳтиёжларни яхшироқ қондириш мақсадида чинни идишлар ишлаб чиқариш 300 минг сўм, пайпоқ 1,5 миллион сўм миқдорида, ички ва устки трикотаж 135 минг дона, галантерея буюмлари 100 минг сўм миқдорда кўпайтирилади. Синтетик ювиш машиналари ишлаб чиқариш икки баравар оширилади.

Ишлаб чиқариш технологиясини тобора такомиллаштириш ва яхшилаш, барча моддий ресурслардан янада рационал фойдаланиш, тежамкорлик режимини кучайтириш, буюмларга сарфланадиган материалларни камайтириш йўли билан камида 200 миллион киловатт-соат электроэнергия, 31 минг тонна шартли ёқилғи, ўн минг тонна металл, 60 минг кубометр ёғоч материаллар, 55 минг тонна цемент, 55 минг тонна пахта, 8,4 минг тонна калава, 8,2 миллион квадрат дециметр чарм моллар, 575 минг квадрат метр ип-газлама ва 205 минг квадрат метр ўраш газламалари, 12 минг тонна ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа кўп буюмлар тежалади.

Илмий ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларининг коллективлари ўз куч-ғайратларини тадқиқот ва ечимларнинг самарадорлиги ҳамда сифатини оширишга, фанни ишлаб чиқариш билан тобора бирга қўшиб олиб боришга сарф киладилар. Техника билан қайта қуроллантиришда, янги машиналар, приборлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда, янги технология жараёнларини жорий этиш ва маҳсулот сифатини яхшилашда корхоналарга ёрдамни кучайтирадилар.

Фанлар академиясининг институтлари 30 га яқин илмий ечимни ишлаб чиқаришда синаб кўриш ва саноатда жорий этиш учун топширадилар.

Янгийўл Биохимия заводида хамиртуруш тайёрлаш жараёнини бошқариш системаси ўрнатилган ярим саноат установкаси ишга туширилади. СССР Газ саноати министрлиги корхоналарида магистрал газопроводи компрессор станцияларининг иш режимларини ҳисоблаб бориш программаси жорий этилади.

Қўёш ёрдамида сув иситиш қурилмалари ва хусусий фойдаланиладиган ошхона лойиҳалари саноатга топширилади.

Механика ва энергетика институтлари, пахта териш машиналари конструкцияларини тобора такомиллаштириш соҳасида биргаликда олиб бориладиган ишларни давом эттиради.

Химия институти Олмалиқ химия заводи фосфогипсидан цемент клинкерини қуйдириш вақтида минерализатор сифатида фойдаланиш ҳақидаги тавсияларни жорий этиш мақсадида топширади.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Транспорт ходимлари халқ хўжалиги ва аҳолининг барча транспорт турларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, беш йиллик пландан ташқари 25 миллион тонна халқ хўжалик юкларини ташиш, 1977 йилда юк ташиш планини муддатидан илгари бажариш ва пландан ташқари камида 3,3 миллион тонна юк ташиш мажбуриятини оладилар.

Алоқа корхоналари ходимлари шаҳарларда ва қишлоқ жойларда 64,5 мингта номерли телефон ўрнатадилар, шаҳарлардаги автомат телефон станцияларининг қувватидан фойдаланиш коэффициенти 1976 йилдаги 75,8 процент ўрнига 86 процентга, қишлоқ жойларида 1976 йилдаги 76,6 процент ўрнига 83 процентга етказадилар.

Республикадаги министрликлар, идоралар ва бирлашмаларга қарашли корхоналар ҳамда ташкилотларнинг коллективлари 1977 йилда ва ўнинчи беш йилликда қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

ГЕОЛОГИЯ МИНИСТРЛИГИ

Газ запасларини кўпайтириш юзасидан ўнинчи беш йиллик план тўрт йил ичида бажарилади. 1980 йил 1 июлга қадар ерости сувлари запасларини кўпайтириш юзасидан беш йиллик топшириқларининг бажарилиши таъминланади. Мис запасларини кўпайтириш, колонкавий пармалаш ва ер ости кончилик разведка ишларини қазиш плани Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача бажарилади.

Геология-разведка ишларининг асосий турлари бўйича йиллик план 28 декабргача бажарилади. Газ запасларини кўпайтириш плани 50 процент, мис запасларини кўпайтириш плани 5 процент ва олтин запасларини кўпайтириш плани 1 процент ошириб бажарилади.

Нефть ва газ чиқадиган майдонларни геофизик методлар билан чуқур пармалашга тайёрлаш плани 101 процент бажарилади.

Меҳнат унумдорлиги ер ости кончилик ишларини қазишда бригада бўйича топшириққа нисбатан 2,5 процент, саноат корхоналарида 0,3 процент оширилади. Нефть ва газ конларига чуқур пармалаб қудуқ қазиш йиллик плани 25 декабргача бажарилади ва тежалган воситалар ҳисобига қўшимча равишда 1000 метр ҳажмида чуқур қудуқлар қазилади.

Илмий ечимларни ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан шартли равишда 4,0 миллион сўм тежалади, пландан ташқари 10 та ечим жорий этилади. 920 та рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан 1,2 миллион сўм иқтисодий самара олинади. Геология-разведка ишлари учун ишлатиладиган 220 тонна қувур, 180 тонна тампонали цемент, 200 куб метр ёғоч-тахта, 900 тонна шартли ёқилғи ва 800 минг киловатт-соат электр қуввати тежалади.

Қидирув-разведка ишлари давомида пармаланган 30 та қудуқ қишлоқ хўжалигига топширилади.

ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ

Ишлаб чиқариш 1976 йилга нисбатан 35 процент, маданий моллар ва рўзғор моллари 32 процент, рўзғор химияси маҳсулотлари 29,9 процент кўпайиши таъминланади. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 1 процент оширилади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг 70 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинади. Пландан ташқари 50 минг сўм фойда олинади.

30 хил янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади ва ишлаб чиқаришга жорий этилади. Уч хил маҳсулот давлат Сифат белгисини олишга кўйилади. Рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 150 минг сўмлик иқтисодий самара ҳосил қилинади.

290 минг киловатт-соат электр энергияси, 380 гекакалорий иссиқлик энергияси тежалади.

Йилнинг биринчи ярмида пенополиуретандан безак маҳсулотлар тайёрлайдиган участкаси бўлган тажриба-экспериментал корпус фойдаланишга топширилади ва беш хил маҳсулот кўплаб ишлаб чиқарила бошланади.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффакиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан бутун куч-қуввати, билим, ижодий изланишларини ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришишга сарфлайдилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига чексиз садоқатларини фидокорона меҳнатлари билан намойиш қиладилар КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшадилар, деб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини, Совет ҳукумати ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтирадилар.

Социалистик мажбуриятлар меҳнаткашлар коллективларида муҳокама этилиб қабул қилинган ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида маъқулланган

Четэл янгиликлари

ТАСС АПН

АДДАН:

СССРга ЙЎЛЛАНМА

Яман—Совет дўстлиги кунлари ўтказилиши муносабати билан «Яман Халқ Демократик Республикаси—СССР» дўстлиги комитетининг қарорига мувофиқ ўтган йилнинг ноябрь ойида демократик Яманда эълон қилинган конкурс «Совет Иттифоқи тўғрисида нималар биласиз?», деб аталади.

Маданият ва туризм министрининг ўринбосари Муҳаммед Абдил Кави бошчилигидаги мўътабар комиссия конкурс натижаларини эълон қилди. Аддан шаҳрининг фуқароси, планлаштириш министрлигининг хизматчиси Наги Али Солиҳ конкурсда ғолиб чиқди. У Совет Итифоқига бир ҳафта сафар қилади. Советлар мамлакатидаги ҳаёт тўғрисида кўп нарса билганлигини намойиш қилган демократик Яманнинг бошқа гражданларига рағбатлантириш мукофотлари ва эсдалик совғалари топширилади.

(ТАСС).

МИСРДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ҚОҲИРА. (ТАСС). Миср ҳукумати қисман қайта ташкил этилганлиги бу ерда эълон қилинди. Ички ишлар министри Х. Фаҳмий ишдан бўшатилди. Яқинда бўлиб ўтган халқ ғалаёнларининг олди олинмаганлиги учун жавобгарлик унинг зиммасига юкланди.

Энди ички ишлар министрлавозимини бош министр М. Салим бажарадиган бўлди. Социал ишлар ва социал страхование, информация ва маданият, қишлоқ хўжалиги, ирригация, туризм ва граждан авиацияси министрликларига ҳам янги министрлар, шунингдек агросаноат бирлашмаларининг давлат министри тайинланди.

Шу билан бирга, мамлакатда сўнгги вақтларда рўй берган воқеалар муносабати билан коммунистларни ва сўл кучларни «кўпорувчилик феолиятида» айблаш кампанияси давом этмоқда. Миср Араб Республикаси бош прокурори И. ал-Калюбийнинг айтганларига асосланиб, Миср официоз матбуоти, қозирги вақтда 200 киши судга берилиб, уларнинг иши кўрила бошланганлигини маълум қилади. Улар «Миср манфаатларига карши иш кўраётган яширин коммунистик ва экстремистик сўл ташкилотлар» билан алоқа боғлашда айбланмоқдалар. Ўнг матбуот органлари Мисрнинг Миллий-тараққийпарвар партиясига ҳужум қилишни тўхтатмаётир.

Президент А. Садат Миср Араб Республикаси студентлари умумий союзи кенгашининг аъзолари билан учрашган чоғда студентлар союзининг раиси Ш. Ҳафиз яқинда Мисрда бўлиб ўтган ғалаёнлар халқ оммасининг оғир ҳаётини акс эттирди, деди. Халқ оммаси ҳукумат ўзининг бир неча бор берган ваъдасини бажаради, оддий мисрликларнинг оғир иқтисодий аҳволини яхшилайди, деб умид боғлаган эди. Ҳукуматнинг энг зарур молларнинг барқарор нархларини сақлаш учун субсидияни камайтириш тўғрисидаги қарори билан, деди у, бу умидларнинг ҳаммаси чиппакка чиқди. Бу эса юз берган воқеаларнинг бевосита сабабчиси бўлди.

Студентлар союзининг раҳбари меҳнаткашлар ғарданига янги машаққатлар юклаб майди, деб ишонч билдирди. У давлат бюджетининг дефицити «ўп даромад олаётган шахслар ҳисобига қопланиши зарурлигини кўрсатиб ўтди. Ш. Ҳафиз ҳукуматни текинхўрлик даромадларига карши кураш олиб боришга, зебизийнат буюмларини импорт қилишда таможня божларини оширишга даъват этди. У мамлакат студентлари фикрини ифодалаб, ирофгарчиликни тугатиш, минимал иш ҳақини ошириш, иш ҳаки билан нархнавонинг тегишли даражаси бир-бирига мос бўлишини таъминлаш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Студентлар союзининг раиси Миср оммавий информация воситалари газеталларини алдаганлиги, фактларни сохталаштирганлиги ва бемаъни кампаниялар ташкил этганлиги учун уларни танқид қилди.

Ш. Ҳафиз яқинда бўлиб ўтган ғалаёнлар чоғида камоқ қа олинган студентларни озод қилишга чақирди.

ҚУВАЙТ (ТАСС). «Қувейт таймс» газетаси Миср раҳбарларининг сўнгги вақтларда рўй берган воқеаларга муносабатини ўз айбини бироварга тўнкаш билан таҳқосламоқда Шунисқишини қайратда қолдирадики, деб ёзади газета, Миср раҳбарлари яқинда бўлиб ўтган ғалаёнларнинг асосий сабабларини муҳокама қилмадилар ва ҳамма ишда коммунистларни айбладилар. Ана шу воқеалар учун Миср ҳукуматидан ва унинг ғарбдаги янги дўстларидан бошқа ҳеч ким тўла жавобгар эмас. Бошқарти президент Садат араб дунёсидаги, ғарбдаги айрим кимсалар ёки катто мисрликларнинг ўзлари учинг айбни бошқаларга тўнкаш йўлидаги стратегиясига ишонади деб ҳамон ўзига тасалли берадиган бўлса, фақат таассуф билдириш мумкин. Садат қандай қилиб бошқача ўйламасин, у ўз иқтисодий сиёсатининг инкирозга учраганлигини ва очиқ эшик сиёсати тўла барбод бўлганлигини хаспўшлай олмайди.

Арабларнинг ёрдами ва халқаро ёрдам, деб давом қилди «Қувейт таймс» газетаси, «Агари бўлганидек давом этаверади. Лекин бу ёрдам фақат ички аҳволни енгилаштириши ва бу ёрдамнинг оқимини қуриб, то тамом бўлмагунча кескинликни камайтириб туриши мумкин. Ҳозирги вақтда Миср қаҳкатан кам бирон нарсага муҳтож экан, деб хулоса чиқаради газета, у ҳам бўлса тез ички иқтисодий ислоҳотлар ўтказишдир. Коммунистлар билан Совет Иттифоқи Миср мусаффакиятсизликларнинг ўзлари учинг айбни бошқаларга тўнкаш йўлидаги стратегиясига ишонади деб ҳамон ўзига тасалли берадиган бўлса, фақат таассуф билдириш мумкин. Садат қандай қилиб бошқача ўйламасин, у ўз иқтисодий сиёсатининг инкирозга учраганлигини ва очиқ эшик сиёсати тўла барбод бўлганлигини хаспўшлай олмайди.

Арабларнинг ёрдами ва халқаро ёрдам, деб давом қилди «Қувейт таймс» газетаси, «Агари бўлганидек давом этаверади. Лекин бу ёрдам фақат ички аҳволни енгилаштириши ва бу ёрдамнинг оқимини қуриб, то тамом бўлмагунча кескинликни камайтириб туриши мумкин. Ҳозирги вақтда Миср қаҳкатан кам бирон нарсага муҳтож экан, деб хулоса чиқаради газета, у ҳам бўлса тез ички иқтисодий ислоҳотлар ўтказишдир. Коммунистлар билан Совет Иттифоқи Миср мусаффакиятсизликларнинг сабабчилари бўлиши мумкин эмас.

ДАСТУРХОН БЕЗАКЛАРИ

Ўлкамизда қиш. Соҳибкор деҳқон меҳнат қилаётган теплица хўжаликларида эса ёз. Айни кезларда улар ҳузурида бўлганмисиз?

Ойнавандли бинолар. Турна қатор бўлиб тизилиб кетган. Қуёш нурлари хоналарга ўзгача манзара бахш этган. Ёз нафаси уфурмоқда, бу ерда. Қаёққа қараманг, ноз-неъматлар. Помидор, бодринг, лимон ҳосили кўзни қамаштиради. Резовор экинлар ҳам қулф уриб ўсмоқда. Мўлжалдагидан кўпроқ ҳосил етиштирилганлиги кўриниб турибди.

Теплица комбинати ишчи-хизматчиларининг қўли-қўлига тегмайди. Улар ўз меҳнатлари, пешана тери эвазига пишиб етилган сабзавот маҳсулотларини пешма-пеш териб олишмоқда. Ишчи биродарларининг дастурхонини қишда ҳам ёздагидек сабзавот маҳсулотларига сероб қилиш уларнинг эзгу мақсади. Бунга эришиляпти ҳам. Кунига тошириқдан зиёд маҳсулот жўнатилмоқда.

Тошкент область. Калинин районидаги Қўйлиқ теплица комбинати сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган хўжалик. Ўтган йили Тошкент аҳолиси учун бир ярим минг тонна маҳсулот етказиб берилди. Ҳосилдорлик анча ошди. Пландаги 12 килограмм ўрнига 13,6 килограммга етди. Бунинг эвазига 300 минг сўмдан зиёд фойда олди.

Ўнинчи беш йилликнинг тўғриси йилини муваффақиятли якунлаган соҳибкорлар Ўлуғ Октябрнинг олтмиш йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилни ҳам яхши суръат билан бошлашди. Бу йил комбинат меҳнат аҳли ютуқларни мустаҳкамлаш билан бирга ички резервлардан окилона фойдаланиб, маҳсулот ҳосилдорлигини ошириш ҳамда унинг таннархини камайтиришга аҳд қилишган.

Жонажон партиямизнинг жанговар даъватларига жавобан теплица комбинати аҳли янги марраларни кўзламоқда. Бу йил 20 гектар ерда экинлар меҳр билан парвариш қилинмоқда. Шаҳарликлар дастурхонига 2 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш мўлжалланмоқда. Ҳосилдорлик ҳар бир квадрат метр ҳисобига пландаги 12,5 ўрнига 16 килограммга етказилади. Бундан ташқари, райондаги теплица хўжалиги бўлмаган колхоз ва совхозлар учун 10 миллион дона карам, помидор кўчатлари етказиб берилади. Бу соҳада биринчи участка ишчилари барчага ўрнак бўлишмоқда.

Комбинат миришкорлари орасида эл ҳурматини қозонаётган ишчилар жуда кўп. 1976 йилги давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарган қишлоқ меҳнат аҳлларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг олий мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида хўжалик аъзолари ҳам бор. Комбинатда ишлаётган Мунира Исломова Ленин ордени. Маърифат Тўхтаназарова эса Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Қош қорайди. Хўжаликда иш давом этмоқда. Териб олинган маҳсулотлар тайёрлов пунктларига жўнатилмоқда.

Э. ТЎЛАГАНОВ,
Ҳ. СУЛТОНОВ.

Суратларда: 1. (чапдан) Ҳайитқул Ҳусанова, Салима Муҳиддинова ва Зухра Шорахмедовалар помидорни яшикларга жойлашляпти. 2. Бригада бошлиғи Абдураҳмон Нўъмонов. У терилган бодрингни пешма-пеш ташляпти.

А. Абалян ва Л. Гусеннов фотолари.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

ТАСС

ФОЙДАЛИ «ШАРБАТ»

Чувашиядаги Шумерля химия заводида эман ёғочидан ажойиб маҳсулот — «шарбат» ҳосил қилинмоқда. Саноатнинг бир қанча тармоқларида қўлланиладиган ана шу қимматли препаратни ишлаб чиқариш бу йил қарийб қирқ процент кўпайтирилди. Корхонада ана шу препаратни узлуксиз ишлаб чиқарадиган мамлакатда энг йирик қурилма ишга туширилди.

Эман дарахтидан олинадиган бу препарат ажойиб хилма-хил фойдали хоссаларга эга. Ҳар хил маҳсулотларнинг юздан кўпроқ турини ишлаб чиқаришда ундан фойдаланилмоқда. Чунончи, эман «шарбати»дан тайёрланадиган полимер смолалар бинокорларнинг энг яхши ёрдамчиси бўлиб қолди. Бундай смола бетонга қўшилганида конструкцияларни ғоят пишиқ, намга ва емирувчи моҳитларга ғоят бардошли қилади. Бундай бетон гидротехника иншоотларида ва химия корхоналарининг комплексларида ниҳоятда фойдалидир.

Шумерля химикларининг давлат Сифат белгисига сазовор бўлган бу маҳсулоти мамлакатимиздагина эмас, чет эллларда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

БУЮРТМАЧИ БАҲО ҚЎЙМОҚДА

«Восток» микрорайонида очилган тикувчилик ательеси Брест аҳолисидан дастлабки буюртмаларни қабул қилди. Маиший хизмат кўрсатувчи бу янги ихтисослаштирилган корхона —областдаги энг йирик ана шундай корхоналардан биридир. Корхонада Минск, Ленинград, Ригадаги техника билим юртлари ва мода уйларида таълим олган ёш мастерлар ишламоқда.

Ҳозир Брест областидаги барча шаҳарлар ва район марказларида якка буюртмалар асосида кийим-кечак тикадиган ихтисослашган фабрика ва ательелар ишлаб турибди. Қишлоқда маиший хизмат уйлари ва комплекс қабул қилиш пунктларининг шохобчалари доимо кенгайиб бормоқда. Кўпгина колхозлар савдо марказлари ва маиший хизмат корхоналарини қуришди.

Полесьедаги ательеларда ва кийим тикиш устахоналарида сифатни бошқариш системаси жорий этилмоқда. Бунда ана шу янгиликнинг афзалликларига асосан буюртмачиларнинг ўзлари баҳо беришади.

МУЗИКАГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

«Пограничник» колхози фермасининг (Молдавия) қизил бурчагида классиклар ва ҳозирги замон совет композиторларининг асарлари янгради. Бу асарларни Ларга қишлоғидаги музика мактабининг педагоглари ва ўқувчилари ижро этдилар. Улар бундай музикали учрашувларни хўжаликнинг ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида мунтазам равишда ўтказиб турадилар.

Хўжаликдаги салкам 600 киши Ларгада ўзининг бўш вактини санъатга бағишлайди. Маданият уйи қузурида духовой оркестр, эстрада ансамбли, хор ва халқ чолғу асбобларининг оркестри бор, музика шинавандаларининг клуби ташкил қилинган.

Маҳаллий музика мактаби қишлоқ ёшларини эстетик тарбиялаш марказларидан бири бўлиб қолди. Колхоз музика мактаби учун янги бино қуриб берди, музика асбобларини сотиб олди. Бу ерда баян, аккордеон, фортепьяно ва торли асбоблар классларида ғаллакорлар ва чорвадорларнинг фарзандларидан салкам юз бола шуғулланмоқда.

ФАН ВА ТЕХНИКА

СУВ ОСТИ БЎРОНЛАРИ

Совет олимлари океан қаъри мангу тинч деган фикрни рад қилдилар. Улар сув остидаги бўронлар денгиз юзида улкан тўлқинлар ҳосил қилибгина қолмай, денгиз қаъридаги катта-катта сув массасини аралаштиришини ҳам аниклашдилар. «Дмитрий Менделеев» илмий-тадқиқот қемаси экспедиция сафарида бўлганида мана шу кашфиёт қилинди.

Олимлар пўртана «ички чегараларини» аниклаш учун сув остидан мустакил ҳолда жиҳозланган, сувнинг физик характеристикаларини ўлчаб магнит лентасига ёзадиган автомат қурилмалардан фойдаландилар. Денгиз тамомила тинч бўлган ва пўртана турган шароитларда Австралия билан Антарктида соҳиллари ўртасида сузиш чоғида шу экспериментлар ўтказилди. Об-ҳаво шароитларига, қараб сувнинг физик хоссалари ниҳоятда ўзгарар экан. Океан қаъри ёқайнаб туради», пўртананинг ички таъсир доираси 500 метр ва ундан кўпгача етиб борди.

Океанологларнинг кашфиётлари шамол океанга ўтказадиган энергия миқдори тўғрисидаги аввалги тасаввурларни қайтадан кўриб чиқишга мажбур қилади. Денгизларда узоқ муддатли об-ҳаво прогнозларини белгилаб беришда бунинг аҳамияти катта.

Н. КОНСТАНТИНОВ,
Ленинград.
ТАСС мухбири.

ХРОНИКА

* * *

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўрток Ёкуб Тургунович Зокировни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Меҳнат давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўрток Султонмурод Омилович Омиловни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ҳузуридаги Ёғоч тайёрлаш ва ёғочсозлик бош бошқармасининг бошлиғи лавозимидан озод қилди.

Рауф Зарифович ГАЛИМОВ

СССР Ёзувчилар союзи аъзоси, таниқли шоир, ёзувчи, таржимон Рауф Зарифович Галимов узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 54 ёшида вафот этди.

Рауф Галимов Челябинск областининг Пласта шаҳрида 1923 йилда туғилди. Москва шаҳридаги Олий адабиёт курсларида ўқиди. Унинг дастлабки асарлари Улуғ Ватан уруши бошланишига тўғри келди. У бу асарларида совет кишиларининг матонати, кучи, ахлоқий фазилатлари ҳақида илҳом билан ёзди.

1950 йили унинг дастлабки шеърлар тўплами — «Тенгдошимнинг ёшлиги» босилиб чиқди. Шундан сўнг унинг бошқа шеърий китоблари: «Юзма-юз», «Бардаги шуҳалар», «Тошдаги қалтакесак», «Заковат» нашр этилди. Рауф Галимов шундан кейинги йилларда «Шер изидан қайтмайди», «Ложувард булутлар» романларини яратди. Ёзувчи уларда замондошимиз, янги ҳаёт бунёдкорининг қиёфасини зўр илҳом билан тасвирлайди.

У оғир хасталигига қарамай, кўп марта республикамизнинг йирик қурилишларига борди. «Звезда Востока» журналида поэзия бўлимини бошқарди. Рауф Галимов ўзбек ёзувчиларининг асарларини рус тилига таржима қилиш устида кўп ва самарали меҳнат қилди.

Рауф Галимов самарали адабий фаолияти учун «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотланган эди.

Ажойиб инсон, истеъдодли ёзувчи Рауф Зарифович Галимовнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, А. О. Тўраев, К. Н. Яшин, Ғ. Н. Нажимов, Р. Н. Бобожонов, Г. П. Владимиров, Ҳ. У. Ғуломов, Зулфия, Л. П. Қаюмов, Мирмуҳсин, А. Мухторов, Н. Н. Нарзуллаев, Б. С. Пармузин, Уйғун, А. А. Удалов, М. И. Шевердин, И. Юсупов.

ФУТБОЛ-77

«Комсомольская правда» газетаси совринини қўлга киритган коллектив 1977 йилги футбол мавсумининг энг яхши командаси номига сазовор бўлади. СССР футбол федерацияси ана шундай қарор қабул қилди. Мамлакат футболи тарихида биринчи марта қўлланилаётган бундай тадбир минглаб мухлисларни мавсум охирида энг кучли команда номини аташида ҳам қулайлик яратади. Газета соврини учун мавсум якунида мамлакат чемпиони билан СССР кубогини қўлга киритган коллективлар ўзаро курашадилар. Бу учрашувни мамлакатимиз жанубидаги шаҳарлардан бирида ўтказиш мўлжалланмоқда. Борди-ю чемпион ҳам, кубок эгаси ҳам бир команда бўлиб қолса нима бўлади. Бу борада ҳозирча аниқ бир қарорга келинмаган бўлса-да, учрашувга чемпионатнинг қумуш медали совриндори ёки СССР терма командасини таклиф қилиш мумкин бўлар деган таҳминлар бор. Ҳар қалай, футбол мавсумининг энг яхши командаси номини олиш учун ўтказиладиган бундай учрашувни қизиқарли ва завқли бўлиши табиий.

Бу йилги мамлакат чемпионати кезлари яна бир ўзига хос футбол турнири ўтказилади. Боиси, 18 апрелдан 18 майгача чемпионатда танаффус бўлиб, СССР терма командаси жаҳон биринчилиги учун ўтказиладиган саралаш ўйинларида иштирок этади.

СССР кубоги учун кураш 27 мартдан бошланса, мамлакат чемпионати 2 апрелдан старт олади. Совринларнинг учун ҳал қилувчи учрашув 13 августда ўтказилади.

Редактор М. КОРИЕВ.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА

7 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30— **«Доктор Айболит»** (бадиий фильм). 11.50 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.30 — Тасвирий санъат. 16.00 — Таниқшинг: завод — олий техника ўқув юрти. 16.30 — **«Беш баҳодир»** (бадиий фильм). 17.45 — Сиз яратган боғ. 18.15 — ДОСААФ — мардлик, ватанпарварлик мактаби. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.10 — **«Камалак».** 19.40 — **Социалистик мусобақа кундалиги.** 20.25 — **«Генерал Раҳимов»** (бадиий фильм). 22.00— **«ВАҚТ».** 22.30 — **Хоккей. «Спартак»** — ЦСКА. 00.45 —**Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — География. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — География. 13.00 — **«Сирли роҳиб»** (бадиий фильм). 18.30 — «Старшеклассник». 19.00 — Мусобақа, тажриба, ташаббус. 19.25 — **Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари.** 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — **Шеърият билан учрашув.** Эркин Воҳидов. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Наима Пўлатова куйлайди. 22.00 — **«ВАҚТ»** (Москва). 22.30 — **«Минг имкониятдан бири»** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — **Терговни билимдонлар олиб боради.** (Телефильм) 20.40 — **Янгиликлар.** 21.00 — Олий математика.

8 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — **Мультфильмлар.** 11.00 — «Бизнинг Пушкин». 12.00 — Концерт. 15.30 — **Кинопрограмма.** 16.35 — «Декабристлар қўзғолони». 17.00 — Биз табиат билан танишамиз. 17.20 — Қишлоқ: ишлар ва муаммолар. 17.50 — **Усмирлар учун музикали кечалар.** 19.00 — **Янгиликлар.** 19.10 — **Усмирлар учун кўрсатувнинг давоми.** 20.25 — **«Сепсиз қиз»** (бадиий фильмининг 40 йиллигига). 22.00 — **«ВАҚТ».** 22.30 — Концерт. 23.30 — Ҳужжатли фильм. 23.55 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Болалар учун кўрсатув. 19.05 — **Шоира Раъно Узоқова туғилган кунининг 60 йиллигига.** 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — «Беш йилликнинг меҳнат суръати» (репортаж). 20.30 — Концерт. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Театр афишаси. 22.00 — **«ВАҚТ»** (Москва). 22.30 — **Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети.** 22.50 — **«Кўк дафтар»** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — **Даврон ва унинг дўстлари** (бадиий фильм). 20.25 — **Янгиликлар.** 20.45 — Биология. 21.15 — Назарий механика.

9 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30— **«Сепсиз қиз»** (бадиий фильм). 12.05 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 15.30 — **Ўзбекистон бўйқлари** (ҳужжатли фильм). 15.40 — Жаҳон бўйлаб. 16.05 — **«Ваня тоға»** (бадиий фильм). 17.45 — Фан оламида. 18.15. «Горичилар қаердасиз!». 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — **«Уйнудаги гўзал»** (эртак). 19.30 — **«Камалак».** 20.05 — «Бизнинг қўшниларимиз». «Ўльяна Михайловна» (телеспектакль). 20.50— **«9-студия» кўрсатуви.** 21.50— Спортлото. 22.00 — **«ВАҚТ».** 22.30 — Қаҳрамон билан учрашув. 23.30 — Концерт. 00.05— **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.25 — **Мультфильм.** 18.30— «Бойчечак». 19.00 — «Прогресс» программаси. 19.25 — **Миллионлар ленинча университети.** 19.45 — **Ахборот.** 20.00— **«Ғазал мулкининг султони». Алишер Навоий.** 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Концерт. 22.00 — **«ВАҚТ»** «Москва». 22.30 — **Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойи олдидан.** 22.45 — **«Келди-ю кетди»** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.15 — Ўқитувчи экрани. 19.45 — **«Цирюльнядаги драма»** (бадиий фильм). 20.00 — Француз тили. 20.30 — **Янгиликлар.** 20.50 — Беш йилликнинг зарбдор вахтасида. 21.10 — Реклама. 21.25 — Биология. 21.55 — Чизма геометрия.

10 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30— Горичилар қаердасиз! 11.15 — «Бизнинг қўшниларимиз». «Ўльяна Михайловна» (телеспектакль). 12.00 — Бизнинг биография. 1930 йил 15.30 — **Кинопрограмма.** 16.15 — А. С. Пушкининг Ленинграддаги уй-музейи. 17.00 — Шахмат мактаби. 17.30 — Рус тили. 18.15— **Қувноқ стартлар.** 19.15—Расмларда қуёш акси бор. 19.30 — Концерт. 20.00 — **Миллионлар ленинча университети.** 20.30 — «Норма» (опера). 22.00 — **«ВАҚТ».** 22.30 — «Норма» (операнинг давоми). 24.00 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — **Қувноқ стартлар** (такрорий). 12.30 — Хорда фақат ўғил болалар (фильм-концерт). 12.45 — **«Келди-ю, кетди»** (бадиий фильм). 18.20 — **«Ёшлик».** 18.50 — **Халқ фаровонлиги тўғрисида гамхўрлик— КПССнинг олий мақсади.** 19.05 — **Ахборот.** 19.20 — **«Муқаддас диёр»** (спектакль). 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Спектаклнинг давоми. 21.50 — Ўнлар ташаббуси издошлари. 22.00 — **«ВАҚТ».** 22.30 — **«Олтин водий».**

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун кўрсатув. 19.15 — Фильм-концерт. 20.15 — Немис тили. 20.45 — **Янгиликлар.** 21.05 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.35— Физика.

11 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30— **Мультфильмлар.** 11.00 — **«Мавсумнинг ёпилиши»** (бадиий фильм). 12.30 — **Миллионлар ленинча университети.** 15.30— Ҳужжатли фильм. 15.45 — Б. Брехт ижоди. 16.45 — Сўз — олимларга. 17.00 — **«Истеъдод»** (бадиий фильм). 18.30 — Москва ва москваликлар. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — «Ҳамма нарсани билишни истайман» (киножурнал). 19.25 — Фильм-концерт. 19.45 — «Бизнес оламида». 20.15 — Концерт. 21.00 — Бизнинг биография. 1931 йил. 22.00 — **«ВАҚТ».** 22.30 — **Хоккей. «Спартак»** — «Трактор». 00.45 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Биология. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — Биология. 13.00 — **«Минг имкониятдан бири»** (бадиий фильм). 18.30 — **Мультфильм.** 18.50 — Иқтисодий билимлар— оммага. 19.20 — Концерт. 20.00 — **«Кинорежиссёр Равиль Ботиров».** 21.00 — **«Ахборот»** (Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойига бағишланган махсус сон). 22.00 — **«ВАҚТ»** (Москва). 22.30 — **Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойи қатнашчиларн учун концерт** (Санъат саройидан).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.15 — Инглиз тили. 19.45 — Концерт. 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — Кўплаб халқ истеъмол товарлари етказиб берайлик. 21.20 — Чизма геометрия.

12 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Буратино кўргазмаси. 11.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.30 — **Музикали программа.** 12.00 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. М. Савицкий. 12.30 — Табиат ва инсон. 13.10 — «Адабий суҳбатлар». 13.45 — Концерт. 14.25 — «Сиз бунга қодирсиз». 15.15 — **«Меъморлар шаҳри»** (бадиий фильм). 16.50— **«Здоровье».** 17.20 — Музикали абонемент. 18.00 — Спортлото. 18.10 — «НАТО: «Антиразрядка операцияси». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. Потапов олиб боради. 18.40 — **Мультфильм.** 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — **Ҳайвонот оламида.** 20.15 — **Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан.** 20.35 — **«Нотинч хўжалик»** (бадиий фильм). 22.00 — **«ВАҚТ».** 22.30 — Концерт. 23.30 — ДОСААФнинг спартакиадаси. 00.15 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — **Янгиликлар.** 10.20— **Телеминиатюралар.** 11.00 — Т. Сайдуллаев концерти. 11.50 — Ота-оналар учун консультация. 12.20 — **«Замандас».** 13.00 — **«Қалбга йўл»** (бадиий фильм). 14.35 — «Жизель» балетидан парчалар. 15.35 — Телефильм. 17.55 — **«Юлдузча».** 18.25 — **«Ёшлик».** 18.55 — «Ўзбекистон ягона оилада». 19.15 — Ота-оналар университети. 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — **«Актёрлар ва роллар».** С. Норбоева. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Лирик концерт. 22.00 — **«ВАҚТ»** (Москва). 22.30 — **Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг янги марралари.** 22.50 — **«Автомобилдан сақлан»** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Душанба кўрсатувлари.

13 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Зарядкага сафланинг. 10.30 — **«Будильник».** 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 12.00 — «Сева Котловнинг ғаройиб саргузаштлари» (телеспектакль). 13.00 — Музикали киоск. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — **«Чапаев»** (бадиий фильм). 18.15 — «Адабий ўқиш». 16.45 — **Халқаро панорама.** 17.15 — Музикали программа. 18.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — **Мультфильм.** 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — «Тантанали увертюра». 20.25 — **«Эсавер шамол»** (бадиий фильм). 22.00 — **«ВАҚТ».** 22.30 — Музика ҳақида сўз. 23.35 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — **Янгиликлар.** 10.20— **Қувноқ стартлар.** 11.20 — Ота-оналар учун консультация. 11.50 — Концерт. 13.20 — ДОСААФнинг 50 йиллигига. 14.20 — Реклама. 14.50 — Қуча ҳаракати хавфсизлиги учун. 17.55 — **«Малишок».** 18.25 — **«Ўзбекистон ягона оилада».** 18.45 — **Адабий театр.** Х. Шарипов. «Сотволдидан салом» 19.15 — **Ахборот.** 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.20 — **Телеминиатюралар.** 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Меҳнаткашлар бадиий ижодиёти I Бутуниттифоқ фестивали олдидан (Самарқандлик ҳаваскорларнинг чиқишлари). 22.00 — **«ВАҚТ»** (Москва). 22.30 — **Илғор тажриба мактаби.** 22.40 — Самарқандлик ҳаваскорлар концертининг давоми.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/II да **Севги ҳақида қисса,** 6/II да **Этик кийган мушук** (12.00), **Спартак** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/II да **Кўрмайин босдим тиконни.** 6/II да **Қиёмат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/II да **Гулбаҳор қани?** 6/II да **Гулбаҳор қани?** (кундуз ва кечқурун), 7/II да **Ҳижрон.**

Кино

Юлдуз юқорига тушади — «ВОСТОК» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), САНЪАТ САРОЙИ (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 15, 18, 21.00).

Подшо Пётр ҳабашни қандай уйлантиргани ҳақида қисса — «ЯНГИОБОД» (ток соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Номаълум аёл — САНЪАТ САРОЙИ (катта зал, кундуз ва кечқурун).

●

Узбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5 февраль соат 15.00 ва 19.00 да 6 февраль соат 19.00 да РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФОЛИБЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР КЕЧАСИ

Қатнашадилар:

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Раъҳохон НИЗОМОВА.

Еш хонандалардан: Дадахон ҲАСАНОВ, Бахтиёр ТУЛАГАНОВ, Тошпўлат ДУСТБЕКОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Ғуломжон ЕҚУБОВ, Муқаддам ФАРМОНОВА, Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ;

Еш рақҳосалардан: Моҳичеҳра НУРМУҲАМЕДОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Зуҳра ҚОДИРОВА;

Солистлар: Саттор ИСЛОМОВ, Шерқўйи ҒОЗИЕВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари эрталаб соат 10.00 дан сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ КЕЛИШ ЎЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

●

ТОШКЕНТ ТЕХНИКА МАКТАБИ

бир чўмичли экскаваторлар, тракторлар, бульдозерлар, скрейперлар ва автогрейдерларнинг машинистларини тайёрлаш учун

КАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

ТЕХНИКА МАКТАБИГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УТАБ ҚАЙТГАН (8—10 синф ҳажмида маълумотлилар) **ЙИГИТЛАР ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.**

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади ва улар бепул ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШНИ ГУГАТҒАНЛАР «СРЕДАЗСТРОЙМЕАНИЗ АЦИЯ» ТРЕСТИГА УРАЛ ВА ҚОЗОҒИСТОНДА ИШЛАШ ЎЧУН ЮБОРИЛАДИЛАР.

Ишчилар темирйўлчиларга бериладиган имтиёзларнинг ҳаммасидан фойдаланадилар ва уларнинг меҳнат ҳақига 30 процент қўшимча ҳақ тўланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ёзилган ариза, паспорт ва ҳарбий билет, 286-формадаги медицина справкаси.

МАШҒУЛОТЛАР — 10 ФЕВРАЛДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар — 70, Глинка кўчаси, 11-уй, «Средазтрансстроп» трестининг техника мактаби.

●

Урта Осиё темир йўлининг Тошкент тепловоз депосига

тепловозларни тузатиш бўйича слесарлар, токарлар, электр поездлари вагонларининг проводниклари

КЕРАК

ЕЛҒИЗ КИШИЛАР ЕТОҚХОНА ВА ПРОПИСКА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона, Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси, ҳамда Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Тошкент телевидение студияси коллективи Хоразм область мухбири Г. Дўстжоновга акаси

Қутлимурод ДУСТЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — АВВГДЕйка. 11.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.30 — Тонгги почта 12.00 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик 12.30 — Третьяков галереясининг шох асарлари 13.00 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 13.45 — Н. Лесков. «Тўнаш» (фильм-концерт). 14.35 — Қуча ҳаракати хавфсизлиги учун. 15.05 — **«Доктор айболит»** (бадиий фильм). 16.25 —**«Здоровье».** 16.55 — Музикали абонемент. 17.25 — **«Ҳамдўстлик».** 17.55 — **Мультфильмлар.** 18.25 — **Спортлото.** 18.35 — **Конькида югуриш бўйича жаҳон чемпионатй.** 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.25 — Мўъжизасиз, мўъжизалар. 20.25 — Концерт. 20.40 — **Инглизча қотиллик** (бадиий фильм, 1-серия). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Инглизча қотиллик** (бадиий фильм, 2-серия). 23.50 — **Конькида югуриш бўйича жаҳон чемпионати.** 00.20 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — **Янгиликлар.** 10.20 **Куйланг ,ёш хонандалар.** 10.50 — Ўзбек совет шеърияти антологияси. Уйғун. 11.00 — **Волейбол.** «Динамо» (Тошкент) — «Автомобилист» (Грозний). 11.40 — Кинонўзгуда ҳаёт. 12.30 — **«Хонима-хоним»** (спектакль). 18.05 — Болалар учун фильм. 18.45 — Санъат гунчалари. 19.15 — **«Ёшлик».** 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 —Ортиқ Отажонов куйлайди. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — **Янги қаҳр